

Мусулмон футболчилар Рамазон ойида имтиёзларга эга бўладилар



05:00 / 04.05.2021 2431

Англия Премьер-лигасида Рамазон ойида мусулмон футболчилар ифторлик қилиш имкониятига эга бўлишлари учун ўйинни тўхтатиб туриш кераклиги масаласи кўтарилди.

Премьер-лига барча ҳакамларини ушбу масалани муҳокама қилишга чақирди.

Авваллари премьер-лига қоидалари бўйича жамоа сардорлари ўйиндан олдин бунга келишиб олишарди, сўнг ўйинни тўхтатиб туришга рухсат берилар эди. Эндиликда Рамазон ойида мусулмонлар ифторлигини доимий қилишга рухсат бериш масаласига ўтилди.

Эслатиб ўтамиз, душанба куни «Лестер» - «Кристал Пелас» учрашувини мусулмон футболчилари Уэсли Фофана ва Шайху Куяте ўз вақтида ифтор қилишлари учун ҳакам Грем Скотт ўйинни тўхтатган эди.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси